

*Озода* БЕКМУРОВОВА



**ЮРАК**  
*зарблари*

Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент—2012

УДК 821.512.133-1  
84(5Ў)6  
Б49  
КБК 84(5Ў)6

Тақризчи:

**Носиржон ЖЎРАЕВ**

Бекмуродова, Озода.

Юрак зарблари: шеърлар /О Бекмуродова; тақризчи Н.Жўраев. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. –88 б

Истеъдодли шоира Озода Бекмуродова «Сўз – энг ёруғ қисматимдир!» деган собит ақида билан қалам тебратаётган ижодкорлар сирасига киради.

Озоданинг шеърларида кўнгил кишисининг энг ички ва соҳир туйғулари рангин буюқларда жилва қилади. Бу шеърларни ўқир экансиз, уларнинг шеър эканлигини унутасиз, зеро улар қайсидир маънода муаллифнинг иқрономалари тарзида жаранг сочади. Бу шеърлар кўнглингизга мунгли бир оҳанг тарзида қуйилади, сизни мафтун этиб, ўз асирига айлантиради. Боиси – уларда ҳар қандай макон ва замонда ҳам сирли жумбоқ бўлиб қолгувчи аёл қалбининг теран мушоҳадалари баъзан маҳзун, баъзан масрур, баъзан эса карашмали сатрлар аро жо бўлгандир.

Айни шу жиҳатлари билан Озода Бекмуродованинг сўнги йиллардаги ижод намуналаридан таркиб топган «Юрак зарблари» дея аталмиш ушбу тўплам шеър соғинчи билан яшаётган кўнгилларингизга беназир тўхфа бўлади, деган умиддамиз.

**КБК 84(5Ў)6**

© О.Бекмуродова.  
© Фафур Фулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2012 й.

**ISBN 978-9943-03-440-2**




Энг ёруа  
қисматим



\* \* \*

Мен ҳам йўлга чиқдим  
Ўзимни жамлаб!  
Бир қўлимда ният,  
Бир қўлимда қасд!  
Борар манзилимни кўрдим тутамлаб,  
Босар сўқмоқларим майсазор эмас.  
Бўйнимга олганман буюк курашни,  
Ўлмасимдан аввал ўлиб кўрганман.  
Титраган томирим билан ёвлашиб,  
Хоин ҳисларимни бекуй ўрганман.  
Юксалсам ўзимда юксалиб,  
Енгсам мен ўзимни енгганман.  
Елкамга энг ёруғ қайғумни олиб,  
Ҳиссиз саҳролардан ташна келганман.  
Қорачиқларимга чексизлик расмин  
Жойладим, шуурим музламасин деб.  
Ўнгу сўлим узра шайтонлар рақси,  
Шомимни тонгимга гизламасин деб.  
Мен ҳам йўлга чиқдим,  
Ўзимни жамлаб!  
Борлиғимда шиддат,  
Қадамимда шахд!  
Ҳозирча бу йўлни бермайман шарҳлаб,  
Тоғлар изоҳ берар умримга, албат!





## ЎЗИМГА МАКТУБ


Мен умримнинг бу суронли кечаларида  
На бир таскин тополдим, на шеър тополдим.

*Абдулла ОРИПОВ*

Чексизлик борлиқни ўпган ерлардан,  
Юксак тоғлар руҳи ётган ерлардан,  
Отам дуосидай улуғ қирлардан,  
Майсалар шивири ўтган ерлардан,  
Кўклар елкаларин тутган ерлардан,  
Қуёш зардан нақш битган ерлардан,  
Онамнинг қалбидай мушфиқ, муштипар  
Юлдузлар шуъласин тўккан ерлардан,  
Фасллар ҳур келиб, кетган ерлардан,  
Офтобли, оташли, ойли нурлардан,  
Йўл тортиб келгандим тонгдай умидвор  
Яшил оламлардан —  
Кенг адирлардан.

\* \* \*

Шамоллар қўшиғин келгандим ташлаб,  
У маъюс йўллардан куйлаб ўтгандим.  
Умримнинг зангори фаслларида  
Бу улкан шаҳардан осмон кутгандим.  
Бағримга сиғмасди мовий ҳисларим,  
Қўлимда орзулар гунчаси эзгу  
Юрагимни туғдай тикмоқ истардим,  
Мени чорлаганди улуғвор Чўққи.



\* \* \*

Мен етган манзилдан бошланарди тонг,  
Санокдан адашиб кетди кунларим.  
Кимдир изларимни суртди кўзига,  
Уфққа туташиб кетди тунларим.

\* \* \*


Истардим онамнинг бағридай беҳишт,  
Ҳамма онам каби билса мукаррам.  
Онамнинг ярмича севса, соғинса,  
Бахтли бўлармидим бир куни мен ҳам.

\* \* \*

Кимларнинг меҳридан изладим паноҳ,  
Кимларнинг этагин айладим тавоф.  
Эътиқодим ўпган катта қалблардан  
Тумандай тарқалиб сочилди сароб.  
Қайнадим энг улкан дошқозонларда  
Жоним парча-парча бўлди,  
Ким еди.  
Гулламоқ чоғимда,  
Зариф давримда?  
Мен бу кун дунёдан қўлимни ювдим.

\* \* \*

Барибир юрагим интизор, илҳақ,  
Бир буюк қуёшга муштоқ яшарди.  
Тўлмасди...  
Ҳаётим, сира тўлмасди,  
Нимага интилиб,  
Кимга шошардим.



\* \* \*

Кунлар нағма чалиб ўтиб борарди,  
Гийбат қуюнлари кўтариб сурон.  
Нимадир,  
Қайгадир кетиб борарди,  
Мен англаб етолмай ёнардим ҳамон.

\* \* \*


Нафратим, аламим ўзимга бўлди,  
Алдадим ўзимни ўзим бешафқат,  
Кўксимда нимадир чақмоқдай сўнди,  
Тоза ҳаволарни йиғладим кўмсаб.

\* \* \*

Чатнадим тутилган қуёшдай майиб,  
Мен ўлган гунчалар сувларда оқди,  
Мен истаган ҳаёт,  
Мен севган ҳаёт  
Бағримда гурлатиб ёлғонлар ёқди.

\* \* \*


Энди юрагимда  
Доғ узра доғлар,  
Ҳижрон ёмғирлари остида ғамгин  
Кетиб бораётир ям-яшил боғлар,  
Бир қайрилиб беролмай таскин.





\* \* \*

Мен ўзимдай ўзим бўлмадим.  
Ўзим идрок этган  
Каби ҳеч қачон.  
Лабимда истагим, бўзим қолмади,  
Ҳаётим фалаги шабистон.  
Кўзларимни очиб,  
Юмаман вайрон...  
Отам умидининг барглари хазон,  
Онам орзусининг гуллари сўлди,  
Қайга чўкди мени чорлаган Осмон?  
Укамнинг бўғзида алам тош қотган,  
Синглим қароғида сузади армон.  
Не эди саҳарда мени уйғотган,  
Не бўлди имконим, измимни ютган?  
Дўстларим то ҳануз маъюс айтишар  
Ёғдулар рақсида қутлуғ исмимни.  
Тунлар дилга чўқар,  
Тоғдай бир ўксик...  
Туйғуларим еди нурдай жисмимни.  
То ҳануз қаршимда  
Тошшаҳар, Тошйўл...  
Умидвор кезади недир кўксимда.  
Чорлайди қоялар лабидаги нур,  
Ўзим бўйсунмайман  
Ўзимга!








\* \* \*


Мен эртани кутяпман сокин,  
Юрагимни кафтимга қўйиб.  
Орзуларнинг мангуларини  
Юлдузлардай фалакка ёйиб.  
Малаксиймо мастона қалқиб,  
Ёғдуларни сочимга тақиб,  
Теваракка ҳайрона боқиб,  
Бу дунёнинг ёлғонларини  
Қароғларим шамида ёқиб,  
Афсонавий кунни кутяпман.  
Кутаяпман эртани, гарчанд  
Кўзларимда жудолик юки,  
Кўлларимда умид дарахти,  
Ҳали гўзал гуллайди балки!..  
О, боряпман, кетиб қолмангиз,  
Титраб-ёниб чорласалар ҳам,  
Қисматнинг ҳар тўфонин енгиб,  
Ой манзилга етиб боряпман.  
Орзуларнинг мангуларини  
Юлдузлардай фалакка ёйиб,  
Мен эртани кутяпман ёниқ,  
Юрагимни кафтимга қўйиб...





\* \* \*

Ватан соғинчларда яшайди...  
Ҳеч қачон босилмас унга хуморлик,  
Дилнинг туб-тубларин ўртар бир ҳажр,  
Болалигим қолган мовийлик.  
Умримга берилган энг буюк ажр —  
Оқ ранглардан қамашган осмон.  
Кўксига покдомон шамоллар тақиб,  
Елиб бораётган сўнгсизлик томон...  
Нимадир қолгандай ортига боқиб,  
Тоабад юракни ўртагай ҳижрон.  
Борлиғини тўлаб Ҳақнинг йўлига,  
Бир лаҳза орқага қайрилмас имкон.  
Бир марта берилган шул ҳаётимни  
Оппоқ байроқларни қадаб руҳимга,  
Шаффоф хаёлларга кўмиб ёдимни,  
Шабнамларни тутиб дил шукуҳимга,  
Юваман  
Кўзларим қаърига чўккан кирларни.  
Болалигим — оппоқ Ватаним,  
Ҳарир, майин тонглар шодаси.  
Юлдузлар ашқидан унган чаманим —  
Ёруғ ҳисларимнинг якка Худоси!





\* \* \*

Кўлларимни очдим дуога,  
Ховучимга ой-қуёш кирди,  
Жаҳонимни беладим нурга.

Кўлларимни очдим дуога,  
Юрагимга кўчди субҳидам,  
Деразамни ювди тонг ҳиди.

Кўлларимни очдим дуога,  
Кўзларимга фарқ бўлди осмон,  
Шодлигимга жўр бўлди қушлар.

Кўлларимни очдим дуога,  
Чексизликнинг қирғоқларидан  
Кетиб бораяпман ўзимга.

Кўлларимни очдим дуога,  
Юлдузлар руҳига эврилдим.  
Чақнадим, чақнадим, чақнадим.

Кўлларимни очдим дуога,  
Тангри жамолига ташнаман, зорман,  
Мубталоман, ошиқман, беқарорман.

Кўлларимни очдим дуога,  
Теграмда товланди Ҳаққуш патлари,  
Камалак нурига исинди руҳим.



Кўлларимни очдим дуога,  
Товонимдан ўрлади шукуҳ,  
Жонимга ёғилди жонфизо.

Кўлларимни очдим дуога,  
Парвоз ишқи ёқди қанотим,  
Оппоқ ёлқин сочмоқда уфқ...

Кўлларимни очдим...

\* \* \*

Тоабад хомушман  
Мискин бир дарддан,  
Субҳу шом оҳларим бўлгайдир барбод.  
Мен қачон йиқилдим,  
Қайси гуноҳдан,  
Ҳануз изларимда пушаймонлиғ, дод.  
Шу лаҳза ўртандим юрак-юракдан,  
Қачон осмонимга ўрлади ғубор.  
Мен қачон қуладим, ўшал Юксакдан,  
Тангрим, поклагувчи туғёнлар юбор!



## ВАТАН

Томирларда югурик қонлар  
Сенинг тафтинг билан оташли,  
Амир Темур, Алпомиш — шонлар  
Исмингдайин  
Иссиқ, қуёшли.  
Ватан!  
Жонинг билан жоним вобаста,  
Кўнглингга пайваста кўнглим гулзори.  
Шавкатинг самовий,  
Матлабинг аршдир,  
Мени ўлдиролмас ёғий озори.  
Ватан!  
Юрагимда юрагинг урар,  
Сенинг тафтинг билан оташли.

---

\*\*\*

Кўзларимни кўкдан узиб  
Қарасам,  
Куз келиб, заъфарон бўлибди барглар.  
Сочларимни жаранглатиб тарасам,  
Шуурим қаърида уйғонди зарблар.

Сариқ ранг оламни этмоқда ишғол,  
Сарғайгани йўқдир яшил ҳисларим!  
Ҳали сарғармади умидим расми,  
Туғилгани йўқдир кундай қизларим...

---


\*\*\*

Менинг кўз очганим — Шакарбулоқда  
Менсиз юз очишган чучмомалар,  
Ям-яшил денгизнинг хур бекалари —  
Майсалар табора юксалар,  
Ифорлар куйнга сархуш тебраниб.  
Ватан деган меҳроб шул муаттарми!  
Ё, бир сиқим хок!  
Хору хаслари ҳам бир меҳригиё.  
Жон хориж бўлганда,  
Мангу саждагоҳ!  
Бир куни  
Лазиз туйгулардан бўлиб мосуво,  
Руҳ аршу аълога қилса саёҳат,  
Азиз тошларингни тождек тўтиё  
Қилиб, тупроғингда топгум ҳаловат!  
Эй, онамдай улуғ,  
Жон Шакарбулоқ!




\* \* \*

Энг ёруғ қисматим — Сўз!  
Олам яралмасдан аввал яралган.  
Севган, сиғинганим, чин саждам,  
Қонлар ютиб кутганим муждам,  
Талпиниб, топиниб, интиқ чопганим,  
Қуёшдай ёруғ ва қиличдай кескир,  
Илоҳ уммонига чўкканим —  
Оташин ҳаётим Сўз!  
Менинг истиқболим, менинг ўтмишим —  
Руҳимни кўтариб учгувчи қушим,  
Зарра заррам қадар поклаб, аллалаб,  
Юксаклик шавқини қучгувчи қушим.  
Борлиғим, ёрлиғим, ёрлигим Сўз!  
Ювса гуноҳимни ювади бекин,  
Оқласа номимни ҳалол оқлайди.  
Юрагимга туташ жон қушим —  
Чўққилар васлига етказгувчи шу.  
Олам яралмасдан аввал яралган  
Умрим ичра умрим — Сўз!







*Олам  
сеҳри*




\* \* \*

Мен бир қушман...  
Камалак рақсига ошуфта,  
Фалак сарварига орзуманд,  
Нурлар шамолида умри соврилиб,  
Абад хаёлига банду банд.

Мен бир қушман...  
На бир макон, манзил кўзлаган,  
Бўзлаган, чарх уриб гирён бўзлаган,  
Бир олам сеҳрига ошиқ тоабад,  
Излаган, бесару, бекуй излаган...

Мен бир қушман...  
Кўк шуъласи кўксига тушган,  
Ул ёғду зарбидан, фалак ёришган,  
Юрак денгизининг қирғоқларида  
Бир кема...  
Армон лашкарига асир тушган.


Мен бир қушман...  
Отаётган тонгга бағрини босиб,  
Мовий ҳаволарда нурзод қайиқдай,  
Шаффоф қанотларин мардона ёзиб,  
Қуёшга чулғанган мастона кунни  
Қоронғу чоҳларга сочиб юборган!...  
Бир қушман...





\* \* \*


Қанча севги бўлса мен севдим...  
Тангрим!  
Қанча гуноҳ бўлса мен қилдим.  
Қанча оғриқ бўлса қон ютди бағрим,  
Умрим...  
Бахт ва бахтсизликка тенг тўлди.  
Осмонлар тубини кўрдим, кўникдим.  
Гоҳ моҳдай порладим,  
Гоҳ шамдай сўндим.  
Нимага ошиқдим,  
Кимга талпиндим,  
Топмадим  
Ўзингдай ягона ўзинг!  
На бир ёр,  
На бир дўст, на бир биродар  
Топмадим, ҳеч қачон топмадим.  
Кўнглимнинг яраси очиқ ётибди,  
Қон билан ёпмадим,  
Ёпмадим.  
Синграб муножотлар қилдим,  
Топиндим!  
Ибодатлар қилдим, зоҳид бўлмадим,  
Фақат бир Ўзингга  
Ёлвордим,  
Чўкдим.  
Тангрим, севгинг узра қалбим сўлмади!.





\* \* \*


Кўнмадим,  
Мунаввар теграсиз манзилдан кетдим,  
Товоним қонида чайқалди йўллар.  
Руҳимни покладим узун шамолларнинг фарёдларида.  
Тиконлар наҳрига чўкдим,  
Қонимни ювдим.  
Чексизлик уфқида нурга эврилдим,  
Оҳлардан қорайган абрни ёриб,  
Қуёшдай наззора чиқмоқ истадим!  
Кўнмадим ўзимга, кетдим то Ўзига қадар,  
Кўзимга илмадим дунёнинг норасо қайғуларини,  
Менга абадият беринг бир қатим,  
Мангулик сувидан руҳимга суртинг.  
Ўзимдан воз кечишдан аввал,  
Кечдим бу фонийнинг туб-тубларидан.  
Кузги туманлардай тарқатиб юбордим  
Кўнглимнинг энг зарра майлларини.  
Яқин-яқинларим умидвор ва аччиқ соғинчлар  
билан  
Термулиб толдилар «Бахт қасри»нинг остонасида.  
Кўнмадим,  
Нурлар жон талашган йўлдан кетдим мен.  
Менга на ғам керак, на шодлик керак,  
На беҳишт ифори, на дўзах заҳми!  
Менга Сен кераксан,  
Фақат Сен керак.  
Менга раҳминг келсин,  
Эй Меҳрибоним!





\* \* \*

Тиз чўкдим,  
Бошимни эгдим.  
Иқрорман —  
Гуноҳ шодалари бўйнимда.  
Бир Ўзингга зорман,  
Мен истифформан.  
Шунчалик масрурман, шунчалар хурман!  
Неки зимистонлар оралаб юрдим,  
Бир олис ёғдуни қоралаб юрдим,  
Қаерда тўкилдим,  
Қаерда синдим!  
Ассалом, Паноҳим, сенга бош урдим!  
Ёрга қанча бордим, кўнглимни тутдим,  
Ўзингдан адашиб,  
Ўзимдан кетдим...  
Уфққа туташган нур соҳилида  
Меҳру вафо кутиб, бебаҳра ўтдим.  
Кутдим Рух ифори янглиғ тозани,  
Умрим жароҳатин малҳами бўлса,  
Соғиндим  
Яна ва яна ўшани...  
Чўкдим...  
Келармикин зор йиғлаб ўлсам...  
Ер қилиб жисмимнинг оташларини,  
Худбин ҳисларимга ўзим қасд қилдим.  
Рухим оқ қушлари талпининг кўкка,  
Кўнглимнинг қонига қўл ювиб келдим...






\* \* \*

Қўлларим абадга чўзилган,  
Қўлларим ювилган фонийдан.  
Қалбимнинг иқлими бузилган,  
Ривоятлар келмас  
Ровийдан.

Мен ўзим ўзимга аталган зорман,  
То ҳануз адашдим, йўлимни топай.  
Келдим ҳузурингга, абгорман...  
Нурлар уммонингдан

бир зарра бергил,


Қўлларим чўзилган қиблага,  
Қўлларим ювилган фонийдан.





\* \* \*

Севсанг,  
Осмонга чиқ, ойни олиб кел.  
Тонглар водийсини тўша йўлимга!  
Сомон йўлларидан чечаклар териб,  
Бахтнинг шодасидай тутгил қўлимга!  
Севсанг!  
«Ёрилтош»дан чиқиб кел, озод  
Қанотлари бўлсин отингнинг,  
Мовий ёғдулардан гўшанга безаб,  
Остонамга келиб ўтингил...  
Сўнгра,  
Борса келмасга боргил,  
Девнинг чангалидан олгин узукни.  
Бўронларни ютиб,  
Тоғлардан ўтиб, босиб кел  
Адашган хато ёзуқни.  
Юрагимга борар ёруғ йўлларда  
Ичингдаги ёвни маҳв этгил, ғолиб!  
Тириклик чўққисин яшил тоғидан  
Ҳаво тиккан тугни келтиргин олиб!  
Севсанг...






\* \* \*

Йўлга чиқдингизми  
Нур аравада,  
Тонгнинг нафасида Семургдек елиб?  
Ҳаволарда юксак руҳ янглиғ сузиб,  
Айрилиқ уфқининг бағрини тилиб...  
Келаяпсизми?..  
Заррин ёғдулар-ла безанган йўллар  
Ёруғ изингизни ўпиб қолурми?  
Сизга етолмаган ошуфта гуллар  
Чашмингиз ўтидан ўпич олурми?  
Йўлга чиқдингизми?..  
Бўрон қанотингиз гирёна қалқиб,  
Дийдорим шамига зор талпинурми?  
Абри найсонлардан чечаклар тақиб,  
Қадамингиз саси кўкдан инурми?  
Қутлуғ ташрифингиз — тантана расми,  
Борлиғимни чулғаб бахт ифорига,  
Яшнаблар кетурми умрим дафъатан  
Ҳаёт воҳасининг кенгликларида?  
Йўлга чиқдингизми  
Нур аравада?..

•








\* \* \*

Чопиб бораяпман ортингдан,  
Оёғимни қўлимга олиб.  
Сочларим силкиниб  
Беҳис шамолларнинг туғёнларида,  
Товонларим қонаб,  
Юрагим қонаб.  
Югуриб бораяпман, ҳануз  
Умидимнинг хуржуни бўм-бўш.  
Фасллар бир боқмай кетиб боряпти,  
Сурон солмай ўтиб бораяпсан,  
Нимасан, кимсан деб, бир қарамайсан,  
Кўнглимни бир сўраб, Худо йўлида  
Ҳолимга боқмассан,  
Назар қилмассан.  
Ҳар куни тураман бир маъно кутиб,  
Интиқ термуламан ҳиссиз юзингга,  
Ёритсанг умримнинг сарҳадларини,  
Бир қараб қўйсайдинг сен ҳам изингга...  
Вақт!






\* \* \*

Маъсумликка чулғаб борлиғим,  
Нафармон тусларга белаб дунёмни,  
Синоат торларин машшоқдай чертиб,  
Қалбим оламларин мунис аллалаб,  
Энг яқинимдай,  
Жонимга ўтлиғ шивирлаб,  
Руҳимнинг шаффоф бешиklarин тебратиб  
Ёмғир ёғаётир...


Шууримнинг етти иқлимларини ёритиб,  
Онгимнинг поёнсиз кенгликлариди  
Маҳзун ҳисларимни чақмоқдай ёқиб,  
Ва яна меҳрибонимдай аяб-авайлаб,  
Илоҳий тафт ила эркалаб,  
Руҳимни ўпиб!  
Ёмғир ёғаётир...

Ё Раббий, қудратинг боқий ва чексиз!!!  
Маъюс, матлуб, шаффоф ёғдулар  
Сочларим дунёсин кезарлар нажиб!  
Юзларимнинг ойдин нурлари узра  
Ўйнашиб,  
Камалак шафақлар сочиб,  
Зарра-зарраларим қадар сирғалиб,  
Ёмғир ёғаётир...



Умид дарахтининг барглари бўйлаб,  
Қўлимдан қимматли ҳамроздек тутиб,  
Азиз оламларга етаклаб кетиб,  
Тоабад зор қилган суюк чеҳрани  
Ёдим заминига сим-сим оқизиб,  
Ёмғир ёғаётир...

Ногоҳ, чашмим қирғоғидан тошган наҳрга  
Қўшилиб кетади  
Билтур томчиларнинг ситоралари,  
Тозара бошлайман, гўдакдай гулгун!  
Томир-томирларим қадар нур иниб.  
Олам боғчасига боқаман яшнаб,  
Руҳим ҳарир тортади бирдан!  
Атрофга қарайман  
Биринчи бор келганга ўхшаб!  
Буюк Она каби боқади осмон!






\* \* \*

Тонг атри кўнглингни ювади,  
Кенгайиб борасан чексизлик каби.  
Умидинг дастингга мувофиқ,  
Кундузларинг борар узайиб.

Яшаш ифорини чиндан туясан,  
Қанотларинг узра қанотинг ўсар!  
Ёруғ оламларга парвоз қиласан,  
Майда мақсадларинг хазондай тўзар,  
Озодлик шавқини ичганда дилинг!

Баландлаб кетасан инсонлигингдан,  
Кезасан самонинг йўлақларида.  
Табора абадга сингиб борасан,  
Кўнмайсан вужуднинг тилақларига.  
Озодлик тотига қонганда руҳинг!


Шундай яйрайсанки, яшнаб борасан —  
Қушлар қўшиғида оқар ҳаётинг,  
Овозинг, бор кучинг-ла ҳайқирасан:  
«Озодлик — яшашнинг яшил қаноти!»  
Озодлик дарёсин кечганда умринг...





\* \* \*

Мен соғинган онда  
Сен ҳам соғинсанг,  
Дуолар қилсайдинг дийдорим сўраб.  
Қадамларинг ногоҳ остонам ўпиб  
Келса...  
Йўлларингга ўлтирсам қараб.  
Бўғзимга ютганча кўз ёшларимни,  
Тўкилсам бағрингга ой нафасидай.  
Орзулар тафтига юракни тутиб,  
Эритсак қисматнинг тош қафасини.  
Келсанг...





\* \* \*

Эй Сиз, дил китобин ўзгартиргувчи,  
Эй Сиз, туйғуларим этгувчи таҳрир,  
Қачон ҳаётимга кирдингиз учиб,  
Нечун қилолмайсиз тақдирга тадбир?


Мен қачон қуладим кўзларим тойиб,  
Ўзимдан саргашта адашдим, кетдим...  
Умрим ғариб қолди қайси соҳилда,  
Оламу одамни буткул унутдим.

Бўм-бўш қайиқ каби тебранамаман ҳур,  
Кўзингиз қароғи — қирғоқларида.  
Етарманми туйиб муаззам сурур,  
Қўнглингиз тубига,  
Йироқларига.

Баъзан келинг, дейман, оташда ёниб,  
Оқиб кетмасидан умр беҳуда.  
Гоҳи хаёлимда ўйлайман қониб,  
Сизни менга атаб юборди Худо.

.....  
Эй, Сиз дил китобин азиз билгувчи,  
Эй, Сиз туйғуларим этгувчи таҳрир,  
Қачон ҳаётимга кирдингиз учиб,  
Ахир қилолмайсиз тақдирга тадбир!


9





\* \* \*


Сиз ҳам гоҳи соғинасизму?  
Ўз-ўзидан ялдо тунлари  
Ёқадирму вужудингизни  
Хотиротнинг ўт-учқунлари?  
Не учундир энтикадими  
Лабларингиз тушиб ларзага?  
Хаёлингиз гул экадими  
Мен эсланар ёруғ лаҳзага?!  
Нимагадир ичикиб, титраб,  
Юрагингиз тугёнга тўлиб,  
Нечундир тўлғониб, сачраб,  
Қоладими кўргингиз келиб.  
Ўз-ўзидан ўртанасизму  
Борлигингиз тушиб ларзага?  
Ҳажр боғин йўлакларида  
Учиб-қўниб ҳар он, лаҳзада...  
Сиз ҳам гоҳи...





\* \* \*

Гулладими боғларингиз,  
Шод бўлдимни кўнглингиз,  
Хотиржамми умрингиз,  
Чароғонми йўлингиз?  
Ҳаётингиз бутунми,  
Нурми ўнгу сўлингиз,  
Сочларимни кўмсаб гоҳи  
Йиғлайдимни кўлингиз?  
Лабларингиз бахтиёрми,  
Жаранглими кулгингиз?  
Ҳануз баландми, айтинг,  
Ўшал осмон дилингиз?!  
Кунларингиз офтоблими,  
Қамарлими тунингиз,  
Мендан кетиб бахтлимисиз...  
Боринг, бекам бўлингиз!







\* \* \*

Бахтиёрсиз,  
Толе тахтида  
Тебранасиз виқорли, сархуш.  
Издаҳомлар ичра баъзида  
Юрагингиз тортади маъюс.  
Жонингизга кетгандир ботиб  
Санамларнинг навозишлари.  
Давралардан шод ўтаётиб  
Пичирлайсиз умр ишларин.  
Сесканасиз,  
Англайсиз, қалқиб  
Вақт қайиғи кетмоқда оқиб.  
Комронликнинг баланд тахтидан  
Пастга боқмоқ нақадар оғир...  
Ёдингизни ёритолмайди  
На бир ёғду,  
Ва ёки гуллар.  
Пойингизда ётган хазонни  
Лабингизга босгингиз келар.




\* \* \*

Қўнғироқларингни кутиб ўтяпман.

*И.МИРЗО*

Кетаётган куннинг шиддатларида  
Ноумид дунёнинг этагин ўпиб,  
Умрим ўтаяпти  
Бағрим хувиллаб,  
Ёдинг ёбонига орзулар экиб.  
Қўнғироқларингни кутиб ўтяпман.  
Гарчанд тақдир тоши оғирдан оғир,  
Гарчанд умидларим саросар сағир,  
Чашмим фалагида юз йиллик ёмғир,  
Бир томчи тўкмасдан кўйингда дилғир,  
Қўнғироқларингни кутиб ўтяпман.  
Қўнғлим водийсида тарқалмас туман,  
Бахт ҳақда саволдан ўтдай кўрқаман.  
Тушларингда кўргил,  
Умрим нигорон.  
Бешигимда умид ётибди ҳамон.  
Қўнғироқларингни кутиб ўтяпман.  
Недир қораяди,  
Соч оқаради.  
Йўллар тораяди.  
Кўксим ёради.  
Тангрига етган бу муножотларим  
Айтгин, Сенга қачон етиб боради?  
❶ Қўнғироқларингни кутиб ўтяпман...





\* \* \*

Менинг шод кунларим ғамгин бўлганда,  
Сенинг гул ҳаётинг маъни топдими?..  
Эвоҳ, кутганингга ҳеч ўхшатмадинг,  
Ғамхор кетишларим ўхшаяптими?..

Менинг шаън тонгларим тундай чўкканда,  
Субҳи саҳарларинг гулгун отдими?  
Изингда кўз ёшдай тўкилганимда,  
Кўнглим ҳаётингга оғир ботдими?..

Саррин саболарим бевақт тинганда,  
Сарви давронларинг чашминг ёптими?  
Кўнгли гирёнингни обод этардим,  
Хазонимдан дилинг таскин топдими?!


Умр ҳам сўнади юлдузлар каби,  
Умринг боғларини баҳор ўпдими?  
Эвоҳ, кутганингга ҳеч ўхшатмадинг,  
Айт, энди кетишим ўхшаяптими?!



\* \* \*

Узалсанг, етмасин, қўлларинг,  
Чорласанг, келмасин селларинг,  
Чақмоқдай уйғонсанг,  
Бўрондай елсанг,  
Йўлларинг етмасин,  
Йўлларинг.  
Менсиз яшнамасин чўлларинг,  
Фунчасин очмасин гулларинг,  
Кечмасин телбаваш онларинг,  
Нурафшон отмасин тонгларинг.


Менсиз  
Тўхтаб қолсин соат милларинг...





\* \* \*

Соғинмайман,  
Оғримайман.  
Ҳеч қачон йиғламайман.  
Юрагимни эзгин-эзгин  
Ёмғирларда ювмайман.  
Ҳазонрезги боғларда  
Юрмагайман маҳзуна,  
Ўз-ўзимга бахтиёр  
Сўзлагайман афсона.  
Маъюс-маъюс қароғларга  
Қарамайман,  
Куймайман.  
Кипригимни шабнамларнинг  
Шарбатида ювгайман.  
Қўлларимни узатганман  
Осмон томон, кун томон,  
Ғамларимни кузатаман  
Борса-келмас йўл томон.  
Қалбимдаги ғуборларни  
Гул болам бўйи ювар.  
Тангрим, бахтга ғарқ бўлган  
Тонглар юбор,  
Шом юбор!  
Соғинчимнинг ортида  
Ёруғ дийдорлар бўлсин,  
Ҳижронларнинг қатида



Оппоқ озорлар бўлсин!  
Оғримайман,  
Куймайман.  
Йўқ,  
Энди ҳеч севмайман,  
Юрагимни қор сувлари,  
Музларида ювгайман.




\* \* \*

Ҳажрим ёқангни чок этсайди,  
Менсиз умринг ғамнок ўтсайди,  
Йўлларимга йўлинг банд бўлиб,  
Юз... минг йил кутсайдинг.

Бир куни севсайдинг, агар севсайдинг,  
Кечалар-кундузлар бўлиб девона,  
Такрорлаб мен севган орзуларимни,  
Гулларга, қушларга сўйлаб афсона,  
Куйимда телбаваш туйғуларингни  
Айтсайдинг, айтиблар юрсайдинг.  
Мажнунлик саҳнида танҳо бўлсайдинг,  
Муҳаббат илмида даҳо бўлсайдинг,  
Кўзларингнинг мангу сўроғи бўлсам,  
Менсиз дунёларинг қаро бўлсайди.  
Чорласанг, бир умр чорлаб ўтсайдинг!  
Менсиз умидларинг бесамар бўлса,  
Кўнглинг санамлардин беҳабар бўлса,  
Исмим вужудингга жон қадар бўлса,  
Менсиз кечаларинг беқамар бўлса...

.....  
Лабинг ҳаловати лабимга етса,  
Танимдан минг йиллик зардоблар кетса,  
Боқсам жудоликлар кўринмаса ҳеч,  
Юрагинг кўксимга кўчиблар ўтса.  
Еру кўк баробар келганида ҳам,



Хур сарви-санобар келганида ҳам,  
Қалбингга ал-анбар тўлганида ҳам,  
Хукмингга бор дунё кўнганида ҳам,  
Фақат мени десанг, мени десайдинг.  
Эсласанг,  
Энтиксанг нафасим сезиб,  
Титрасанг вужудинг кетсайди тўзиб.  
Ёдим кўкларида жунунваш кезиб,  
Жаннат насимидай наззора эсиб,  
Келсайдинг, субҳ чоғи келсайдинг.  
Соғинсанг, шу қадар соғинсанг,  
Унутсанг ҳаттоки аёллигимни,  
Унутсам ёзмишга уволлигимни...  
Инсанг, ҳаётимга нур янглиг инсанг,  
Бағрим севсанг, шундайлар севсанг,  
Бўлмайдими, айтгил, бўлмасми?

9







\*\*\*


«Кўзларинг, кўзларинг фусункор», дердинг...  
Дердинг: «Бул аланга чулғасин» *delilla*  
Кўзларимнинг мунгли қирғоқларига  
Ҳануз урилади лутфинг тўлқини...

Мен ўшал бахтларни соғиндим, жоним,  
Яна бир кўзимга кўзларингни бос!  
Бир ўтлиғ лаҳзанинг истадим, ногоҳ,  
«Гулим, кўзларингни соғиндим», деб ёз...



\* \* \*

Азизим...  
Ҳеч қачон унутолмайсиз  
Изгиروب денгизи — қароқларимни,  
Севги азоблари Тангридай гўё  
Яқин қилаверар йироқларимни.  
Ҳажрингиз муқаррар,  
Найсонли кундай.  
Бу не савдодирки, бошима тушди.  
На-да, фироқингиз битта кўнглима,  
Жоним-а,  
Кўзим-а,  
Қошим-а тушди.  
Манда мубталоман,  
Азизлигим шу.  
Ҳадеб санайверманг гуноҳларимни,  
Ишонинг, бир куни жунунлиғ аҳли  
Тавоф этадилар суякларимни.  
Фақат Сиз учун мен тупроқман, абас,  
Ўлкаман шунчаки маҳв этилган,  
Ҳали англамассиз,  
Йиллар ҳам ўтар,  
Юлдузли самоман — маъсю кетилган  
Азизим!  
Барибир унутолмайсиз  
Севги андуҳлари ёққан умримни...





\* \* \*

Сизсиз ҳам ҳаётим бутундай,  
Кунларим тарк этмас фараҳлар,  
Туманлар тарқалди тутундай,  
Шўх-шаън гуллаяпти  
Дарахтлар.  
Сизсиз ҳам тунларим фусункор,  
Заррин ёғдуларин сочаяпти ой.  
Сизсиз ҳам барчаси бетакрор,  
Сизсиз ҳам дунёга беряпман чирой.  
Наздимда барчаси жонбахш, сурурли,  
Теграмда то ҳануз мастона жаҳон.  
Кумуш қирғоқларга сокин урилиб,  
Фақат сизни қўмсаб хўрсинар осмон.



\* \* \*

Кўлларимни ушламанг, ўпманг,  
Кўнглингизни берманг кўнглимга.  
Кўзингизни кўзимга қўйманг,  
Гулингизни берманг гулимга.  
Титроғларим — туйғуларимнинг  
Борар-келар манзили ўзим.  
Мен — ўзига ўзин асранди,  
Хур сақлаган наззора тўзим.  
Баъзан оғир ботади менга  
Ашкларимни аяшларингиз,  
Чорасизлик кафтида туриб  
Умидимни суяшларингиз.  
О! Келмангиз қошимга бошқа,  
Шафқатингиз бағримни эзар.  
Пешонамни урсам-да тошга,  
Керак эмас бундайин бозор.  
Кўлингизни берманг кўлимга,  
Гулларимни юлинг, ўлдиринг.  
Нурлар каби шаффоф сўнайин,  
Мени шундай бахтга тўлдиринг.


9





\* \* \*

Бир куни қайтасиз — лабларингизда  
Гулхан туйғуларнинг сўнмасдан ўти,  
Қорачиғингизда порлаб туради  
Сиз сўйган умиднинг қаноти.  
Мен қайдандир маҳзун қайтаман шу он,  
Суюнчи сўрайди  
Остона йўлак!  
Ҳеч нарса англолмас барин, дафъатан  
Юрагим қадимий титроғдан бўлак.  
Соямда соянгиз йиғлайди сим-сим,  
Паришон сочларим уйғонар илкис.  
Қўлларим бўйингиз узра юксалар,  
Бир онда умримиз  
Муаззам, тўкис!  
Барчаси бошланур азиз, фироғли,  
Бошдан-оёқ ёниб, ичдан куйишлар.  
Барчаси фараҳбахш, мунис, қийноғли,  
Бошланур кўнгилни ўпиб севишлар.  
Бир куни қайтсангиз,  
Лабларингизда...






\* \* \*

Ўлмадингиз,  
Мен ўлмадим...  
Муҳаббат ҳам ўлмади.  
Тақдиртошга бош урдик,  
Бир тараҳҳум қилмади.  
Мен эзилдим...  
Кўйингизда гул баргидай,  
Эзилдингиз болангизни маҳзун қучиб.  
Кунлар оқиб кетаверди лойқа сувдай,  
Тунлар қалқиб ўтаверди ҳижрон ичиб.  
Умримизда жудоликлар абр каби,  
Илкимиз на Кўкка  
Ва на Ерга етди.  
Қани бизга  
Аталган у бахтнинг лаби,  
Бахтиёрлар водийсида қақраб кетдик.  
Яшаяпсиз, ҳеч ўлмадим...  
Ҳажр гули сўлмади.  
Жон бердингиз,  
Жоним бердим.  
Айтганимиз бўлмади...

❧



---

\* \* \*


Кўнглимни оқизиб ёмғирлар ёғар,  
Ёмғирлар ёғади изингиз ўпиб.  
Тебраниб-тебраниб ёғар ёмғирлар,  
Буюк юрак янглиф наволар тўкиб!

Шабнам баридаги баргдай титрайман,  
Ёмғирдай титрайсиз, кўлимдан тутиб.  
Ёғила бошлайди ҳислар ифори,  
Ё Худо!  
Юракка бўлмайди ютиб.

Ёмғир ювиб ўтар гуноҳимизни,  
Баъзан маъюс-маъюс қалқиб ёғади,  
Чайқалиб ёғади сармаст майхўрдай,  
Ёлғизлик ашкидай эзилиб куйлар  
Тунги ёмғирларнинг бўғзидаги най.  
Ёмғирдай илоҳий фироқларимиз...

Осмоннинг энг гўзал қўшиғи — ёмғир  
Кўзим ёшларидай Сизга аталган.  
Ёмғир томчиларин ўпаман оғир,  
Уларда энг азиз жаҳоним қолган,  
Ёмғирга ўхшайди йироқларимиз...

Кўнглимни оқизиб ёмғирлар ёғар,  
Ёмғирлар ёғади изингиз ўпиб...





\* \* \*

Бир пайтлар...  
Бошқача севардинг мени.  
Қанчалар ардоқлаб кафтда тутардинг.  
Мен юрган йўлларни кўзингга суртиб,  
Мен севган гулларни тавоф этардинг.  
Бир пайтлар...  
Бошқача кутардинг мени,  
Вужудинг, ҳар зарранг интизор бўлиб.  
Истасам, бир онда қурбон бўлгудек,  
Бормасам борлигинг ғамгусор бўлиб.  
Бир пайтлар...  
Бошқача ўйлардинг мени,  
Камалак ёғдули сўзларга ўраб.  
Ибодатлар қилиб ёлворардинг,  
Худодан субҳи-шом дийдорим сўраб.  
Бир пайтлар...  
Орзулаб яшардинг мени,  
Исмимни такрорлаб кунинг ўтарди.  
Изларимда хоки пойим бўлмоққа  
Юрагинг етарди,  
Севгинг етарди.  
Барини Худодан сўрадинг  
Йиғлаб,  
Умидинг янгради.  
Юксалдинг,





Кулдинг!  
Бунчалар бедилсан,  
Кичрайдим. Мени  
Дунёнинг энг сўнгги гулидай юлдинг...

\* \* \*


Дийдорингиз кундай ёруғ,  
Дийдорингиз тундай фусункор.  
Боқишингиз зулфиқори — тиф,  
Ундин ўлмак кўп ширин қайғу.  
Турналардай узилмас занжир —  
Бўйнимизда осмонча гуноҳ.  
Бўғзимизда ерча тазарру,  
Ўртагимизда қилча гина йўқ.  
Бағрингизда энг ёруғ Ватан!  
Сочларимнинг олтин гўшаси...  
Вужудимиз битта томирдан  
Ўсиб чиққан нурлар дунёси.  
Лабингизда жоним калити,  
Қийноғида аллалар саси.  
Васлингизнинг зор-интизори,  
Ҳисларингиз яшил водийси —  
Мен бўламан,  
Танҳо бўламан...



\* \* \*

Беихтиёр кунлар ўтдилар,  
Ҳеч сўровсиз ишқимиз ўтди.  
Мени ҳеч ким кутмади интиқ,  
Сени эса умидим кутди.  
Титроқларга ўралди саҳар,  
Айрилиқдан  
Жон бериб қўрқдим.  
Исминг менинг рўйим бўлганда,  
Изимизни иғволар ўпди.  
Ва бир тошдил,  
Ғамчеҳра аёл  
Қарғишларга буркади отим.  
Учаётиб нурлар ортидан,  
Куйиб кетди икки қанотим.  
Беихтиёр шомлар кечдилар...  
Беихтиёр отдилар тонглар...

9




50



\* \* \*

Соғинасиз  
Юз йилдан кейин  
Юзларимни, изларимни ҳам.  
Юрагингиз йиғлаши тайин,  
Афсуслардан қўясиз малҳам.  
Бир кун  
Сўрар гамбод кечалар  
Умрингизнинг оромин бузиб.  
Кузлар келар,  
Баҳорлар келар,  
Сўровларин маржондай тизиб.  
Сўрайверар марғуб ёмғирлар  
Уфққа сингиб кетган гул изни,  
Қарғишларнинг оғзидан олар  
«Севаман» деб айтилган сўзни.  
Соғинасиз  
Нур, кўзларимни...  
Гоҳи билиб гоҳи билмасдан.  
Ўтинчингиз айтиб қўйингиз,  
Ҳижрон совчи бўлиб келмасдан,  
Уфқ узра кетаётган қизга...






\* \* \*

Ҳеч ким бўлмай қоларман Сизга,  
Ҳеч ким бўлмай қолади тунлар.  
Чашмингиздан бўлган боламни  
Олиб кетар бефарзанд кунлар.

Шундай мушку анбар лаҳзалар  
Ва дилпора гуллар сўлади.  
Қовжираган илинжлар ила  
Дил косаси ғамга тўлади.

Сўровлардан айланар бошим,  
Кутар сизга ичиккан эшик.  
Тақдир асли ҳақдил эмасдир,  
Ул ёғийлар тебратган бешик!

9




52



\* \* \*

Сендан-да телбароқ,  
Сендан-да марғуб  
Бир маҳбуб тилайман осмондан тушган.  
Ойларни рад этган,  
Шамсга муносиб!  
Фақат чақмоқ билан ўпишган!  
Бир ошиқ истайман Сендан ўзгача!  
Ойдин сафарларни кўзлаган.  
Ҳаволарнинг кўксини тилиб,  
Саболардан қайғу излаган.  
Бир Махмур келсайди, андалиб  
То маҳшар, тоабад  
Ҳақни севгувчи!  
Куйига минг битта жонимни тикиб  
Ўлсам ҳам, майлийди,  
**НУР ИЧИБ!!!**






\* \* \*

Тонгги ифорларга юзимни чайдим,  
Ёсуман тунларим маҳзун жилмайди.  
Сочингиз силовчи насим бўлсайдим.  
Шу бир дийдор учун умрим сарғайди.

Шод эдим, кулгиси синиқ қиз бўлдим,  
Жонфизо қароғим — маъюс кўз бўлдим.  
Ёлғиз сиғинганим — тушлар алдайди.  
Шу бир дийдор учун умрим сарғайди...

Фалакда ярим ой дир-дир титрайди,  
Бефарзанд тераклар ожиз инграйди,  
Осуда кунларим мени қарғайди,  
Шу бир дийдор учун умрим сарғайди...

❧





\* \* \*


Вақтнинг  
Учиб кетаётган бўронли зарби  
Юрагимга тигдай сачради.  
Мен бир унут видолар каби  
Сенсиз жуда ғариб титрадим.

Нафасимни нафасинг ўпган  
Ифорларни соғиндим жуда.  
Хур жонимга жафолар туккан  
Озорларни соғиндим жуда.

Кўзларимнинг гавҳарларидан  
Васлинг учун дурлар тўкканим,  
Ҳаётингнинг саҳарларига  
Кўёшингдай нурлар сочканим,

Фақат сенга энтикиб учган  
Дийдорингга илҳақ бўлганим,  
Кучоғингда тушдай уйғониб,  
Кўлларингда қушдай ўлганим,


Ул чоғларнинг олов тотини  
Кўмсаб, қақраб қонар лабларим.  
Орзуларнинг ҳароратини  
Унутолмай ёнар дардларим.



Энди нурлар оқмайди қонда,  
У гулханлар бошқа ёнмайди.  
У дамларга қайтиб бўлмайди,  
Бу ҳаётдан кўнгил қонмайди.

Лаҳзаларнинг илкидаги тийғ  
Нигоҳимга қумдай сачради.  
Мен бир маъюс видолар янглиғ  
Сенсиз жуда ғариб титрадим...

❖








\* \* \*

Ҳар қандай ёлгоннинг ҳам  
ортидан рост келади,  
Ҳар қандай кўкламнинг ҳам  
ортидан хас келади,  
Ҳар қандай душманнинг ҳам  
ортидан дўст келади,  
Ҳар қандай жимликнинг ҳам  
ортидан сўз келади,  
Сен келмадинг умримга...

Фасллар эврилади,  
гоҳ севинч, гоҳ ғам туйдим,  
Ақлимни йиғолмадим,  
бағримни ўзим ўйдим.  
Кўркамлигим хазонлар  
Билан борар дўстлашиб,  
Борлиғимни бир сари,  
Сени бир сари қўйдим,  
Лек келмадинг умримга...

Сенга қанча талпинсам,  
ўздин адашиб бордим,  
Энг порлоқ ҳисларимни  
йўққа алмашиб бордим,  
Синиб кетди оёғинг  
остида илинжларим,  
Энг ёруғ манзиллардан  
Сен томон шошиб бордим,  
Бир боқмадинг умримга...





\* \* \*

Хор вужудда буюк бир зорлик,  
Осмонни қоплайди ёйсам.

**ФАХРИЁР**

Сенинг ҳузурингга келтирди ногоҳ,  
Менинг юрагимни кемирган зорлик.  
Ҳавони беҳиштдан қувдирган гуноҳ,  
Оёғинг остида буюк бир хорлик.  
Қақшадим...  
Минг бора қайтмайман дедим,  
Минг бора ўзимни дорларга осдим.  
Сенга жон бахш этдим, ўзим қуладим.  
Яна ҳузурингдан кетдим афтода.  
Тангрим,  
Ўзинг асра, дедим йиғладим.  
Ахир қандай ювай умр доғларин?  
Парча-парча бўлган ёруғ орзулар  
Эзгин ёмғирларда инграйди ивиб.  
Кўнглим осмонини паст этган соғинч  
Яна Сен томонга чорлар саросар.  
Изиллаб чопади телба шамоллар  
Эшик қулфларини юборар очиб.  
Сенсиз яшамоқнинг йўқдай иложи,  
Куну тунларимда титрайди илинж.  
Қаерга сингаяпман ўзимдан қочиб,  
Ярим ойнинг бесар шуъласи янглиф  
Сенга жон бахш этдим, ўзим қуладим.  
Яна ҳузурингдан кетдим афтода...



\* \* \*

Хайр, минг бор ўпдим бу баргни...


.....  
О, бунчалар теран зулумот  
Узра чўкдим қай бир оқшомлар...  
Бўлолмадим

ўзимдан озод.

Тортиб кетди сендаги комлар,  
Қолмоқ ҳисси зор қилди мени  
Кетмоқ истаб юлқинганим он,  
Айтгил, энди офтобдай сўниб,  
Айтгил, энди ўламан қачон?..  
Хайр, бу барг бағримда сўлди...

\* \* \*

Қисмат ютди,  
Бизлар ютқаздик,  
Тушун, энди тугади ўйин.  
Ҳижрон боққа ниҳол ўтқазди,  
Дарахт бўлар  
Вақт ўтган сайин.  
Тушунаман, тугади ўйин.  
Ўтган эса ҳамиша азиз.  
Мағрур кетиб борганим сайин,  
Баҳоримни сўлдиран афсус...






\* \* \*

Менинг пешонамга сиғмаган очун,  
Менинг юрагимга боқмаган қуёш,  
Ёруғ ҳисларимни беаёв янчиб,  
Аёл қисматимга ёғдирган оташ.  
Афсунлар ўқиган нурли йўлимга,  
Юрагим қонини ичиб тўймаган,  
Томир-томиримга қадар сингишиб,  
Зинҳор ўз ҳолимга қўймаган.  
Эй, мени ҳаётдек севмаган очун,  
Бир қатра сувини аяган уммон,  
Изларин кўзимга тўтиё қилсам,  
Севмаган,  
Севмаган, севмаган ҳамон.  
Фалак жарангини кўксимга уриб,  
Мен ҳам бир малаклик шавқин истадим.  
Руҳим парвозини кўкларда кўриб,  
Илоҳ водийсида қурсам маслагим.  
Борлиғимга паноҳ Нурнинг сояси,  
Бошимни силаса бир субҳ менинг.  
Аёл ҳисларимнинг нураб қояси,  
Зинҳор ташрифингни кутмасам сенинг.  
Менинг пешонамга сиғмаган, очун,  
Сенинг пешонамда балқмадим нечун?!

9





\* \* \*

*Дўстимга*

Эй, нур манзилида кўз очган булоқ,  
Ёғдулар оқурму ўзанларингда?  
Юлдузлар — кўзингдан сочилган япроқ,  
Сигмайсанми фано маҳзанларига?

Оҳларинг туташми Пирлар зикрига,  
Жонингга тушганми абадий олов,  
Мудом сархушмисан Ҳақнинг фикрида,  
Руҳинг ҳилпирарми — муқаддас ялов?!

Ай, само қаърида гувлаган дарё,  
Шуълалар балқирму ўзанларингда?  
Ишқингга тушганму мангу вовайло,  
Тебранма фанонинг афсунларига...



\* \* \*

Тонгнинг ифори-ла юрагингни юв,  
Руҳингни аллала куннинг нури-ла.  
Фараҳбахш силаб қўй қанотларингни,  
Унутгил ўзингни Ҳақнинг йўлида.


Эй гул,  
Орзуларни муқаддас туғдай  
Ҳилпиратиб қада умид тоғига.  
Оҳиста-оҳиста бориблар етсин  
Азиз қадамларинг қурбат боғига!

\* \* \*

Нафратимни бошимдан қўйдим,  
Аламимни сепдим кўзимга,  
Азобимга юзимни ювдим,  
Тонг отгандай келдим ўзимга.

Ёлғонларни қалбим ўтида  
Ёқдим, токи қолмасин кули.  
Ҳақиқатнинг сўнмас боғига  
Экиб келдим умиднинг гулин...

❖





Кўнлим  
парчалари



\* \* \*


*Дилдора Алимбековага*

Нима бор орада кўнгилдан бўлак,  
Тоат турбатида оқ гулдан бўлак,  
Соғинч оташида тобланган қиём,  
Юрак сувратида ҳил-ҳилдан бўлак...

Поклик туташтирар бизларни ҳар гал,  
Дилимиз тубини эзган ҳажр бор.  
Қорачиғда сузган оппоқ сабр бор,  
Умид соҳилларин ёритиб турар,  
Барибир, бир куни Ҳақдан ажр бор!

Нималардир уйғун,  
Нимадир ўхшаш,  
Изтироблар яқин, орзулар туташ.  
Барчаси аслида шундай кечмоғи  
Бизнинг тақдирларга тушгай мунаққаш

Ҳали ўчоқларда сўнмаган чўғ бор,  
Ёлқинлар талпинар кўкка баробар,  
Саросар умримиз қутбларида  
Поклик бор, Ҳақлик бор,  
Беғубор!







\* \* \*

Тоғдай укаларим,  
Боғдай сингилларим!  
Ҳаётимнинг моҳияти, ёруғлиги,  
Қанотларим,  
Суянчларим,  
Устунларим,  
Сизлар билан турмушимнинг тўлиғлиги.

Бирингизга падарим, деб юкингайман,  
Бирингизга волидам, деб топингайман,  
Қароғингиз дарёсида менинг учун  
Ғамлар сузса ўкингайман,  
Ўкингайман.

Йўлларимни ёритади шому саҳар,  
Меҳрингизнинг адоғи йўқ ёғдулари,  
Сизлар борсиз, имконларим маҳшар қадар,  
Маҳв этолмас ҳасратларим, қайғуларим.

Бу дунёда собит қолмас ҳеч битта жон,  
Бу дунёнинг ёлғонлари уюм-уюм.  
Бир кун кетсам бу фонийдан, қабримда ҳам  
Қучиб ётгум севгингизни тўйиб-тўйиб...



\* \* \*


... га

Уфққа оғиб борар умр қантари,  
Кўксимизга ботар кўнглимиз зори,  
Маҳв этиб келадир вақт сипоҳлари,  
Менингдек Ойзода, менингдек ғамбод,  
Бегим, Сиздек яна улуғ бек борму?

Сомон йўлларида чечаклар тердик,  
Кўкларга ошуфта, орзуманд эрдик,  
Фалак сарварига жигарбанд эрдик,  
Бормикин менингдек руҳзода, хурзод,  
Бегим, Сиздек яна қутлуғ бек борму?

Ёзуқнинг карбало ёбонларида,  
Тажаллий талабнинг афғонларида,  
Хазон лашкарининг сўзонларида,  
Менингдек нурзода, менингдек обод,  
Бегим, Сиздек яна ўтлиғ бек борму?

Янглиш айланмишдир чарх тегирмони,  
Юксалиб борадур андуҳ хирмони,  
Бир лаҳза тинмади юрагим қони...  
Менингдек шиканлиғ,  
Менингдек доғлиқ,  
Бегим, Сиздек боши боғлиқ бек борму?  
Айтинг, Сиздек яна улуғ бек борму?!






\* \* \*

Асов, ёвқир отлар дупури,  
Янтоқларнинг шўртаъм ифори,  
Юрагимни бунча чорлади  
Булбулларнинг севгили зори,  
Мени соғиндингми, Ота юрт?

Тушларимга тандирнинг иси  
Кирди, ёр-ёрларнинг қайғусин  
Чекаётган муштипар Исм  
Дийдоримни бунча чорлади,  
Мени соғиндингми, Онажон?

Кенгликларнинг хур шамоллари  
Йиллар оша бошим силади,  
Яшил борлиқларнинг хумори  
Ҳисларимни муштоқ имлади,  
Мени соғиндингми, Отажон?

Бу тонг ортга қайтамиз, кўнглим,  
Тош шаҳардан кетамиз сим-сим,  
Олисларда ой-қуёш синглим  
Хатлар ёзиб бунча чорлади.  
Мени соғиндингми, Зебижон?!






\* \* \*

*Укам Фанишерга*

Бағрим,  
Туғишганим, орзудай эзгу,  
Мусаффо кунларга ягона сұлтон.  
Мовий тушларингда кезмасиң гүлу,  
Мен бахтли бўларман,  
Албат укажон!  
Ишон,  
Гар фирромлик қилса ҳам тақдир,  
Шодмонлик шаробин ичурман қониб.  
Гар умр саробга отилган ўқдир,  
Гарчи бир лаҳзадир менинг имконим.  
Бир лаҳза  
Юлдузлар ғуломлик қилар,  
Менинг севинчимга жўр бўлар дунё!  
Парилар сочимни майдалаб ўрар,  
Бари бир лаҳзада рўй берур гўё.  
Фақат Сен,  
Қаландар кўнгилдан ўксинма, бағрим,  
Мен шундай яралдим,  
Шундай ўламан.  
Магарки, толеи юксак бўлмасам,  
Дунёда энг буюк бахтсиз бўламан....

❶



68



\* \* \*

Кўкда ёнганида улуғ чироқлар,  
Моҳнинг шарпасига солиб титроқлар,  
Руҳимда ҳилпираб оппоқ байроқлар,  
Мен сени бағримга босаман, болам.

Само дарчасида айлабон рақслар,  
Тоғларнинг кўксидан қайтганда акслар,  
Тоза юрагимни сотганда дўстлар,  
Мен сени бағримга босаман, болам.

Жамолинг нуридан энтикиб, шошиб,  
Маъюс нигоҳларим кетди қамашиб,  
Умрим бормоқдадур уфққа тугашиб,  
Мен сени бағримга босганда, болам...



\* \* \*


Мен ҳам одам бўлдим,  
Мен ҳам кун кўрдим,  
Менинг ҳам бошимга нур ёғди қуёш!  
Музтар суюгимда чечаклар унди,  
Эриди йўлимда музлаб ётган тош!  
Сени берди!!!

Осмоним тоқида гуллади фараҳ,  
Қалбим фалагидан ўрлади шукуҳ,  
Покиза заррамдан яралган палак,  
Ҳаёт шабнамида умримни ювиб,  
Сен келдинг!

Сен келдинг!  
Ҳисларим қамашди ҳайрат жангида,  
Яшамоқ умиди рангин ва рангин!  
Субҳга эврилди шомларим  
Қайғу узорлари сўлгин ва сўлгин.

Сен келдинг!  
Қадамларинг узра оқарди тонгим!  
Шаффоф ҳаволарда ювилди қалбим,  
Учиб юрган тушларим — ўнгим,  
Мастона-мастона жаҳоним янги!

❶



Куёшим,  
Ёруғ-ёруғлигим, сўнгимдан сўнг ҳам  
Кунчиқарга қараб учар қанотим,  
Руҳбандим,  
Ҳаётим, жоним, қувватим,  
Қоронғу қабримга нур элтар — ёдим,  
Сен келдинг!

\* \* \*

*Фаридиддинга*


Мен ўзимни танишим учун,  
Сени менга берди Худойим!

\* \* \*

Кечир, ўғлим,  
Бағрим куйиб кетган тақдирсаҳрода,  
Қаттиқроқ кучаман сени дилбандим,  
Сен менинг энг ёруғ малҳамим.

\* \* \*

Мен элга қўшилдим, элга қўшилдим,  
Баланд-баландларда қиламан парвоз,  
Қанотим!






\* \* \*

Мен барчадан юмдим кўзимни,  
Мен барчадан кўнглимни уздим.  
Дўсту ёрдан ювдим кўлимни,  
Ўғлим, энди ўзинг бўл дўстим.  
Ўғлим, энди ёрит умримни!  
Кўзларимнинг зиёси бўлгин,  
Ҳисларимнинг бўлгин дунёси!

Сўзонларда куйганда кўзим,  
Тўзонларда сўнганда изим,  
Тангри тутган порлоқ ёғдуда —  
Зар нурлардан яралган ўзим,  
Болам олтин суягим — кўзим,  
Кунларимнинг офтоби бўлгин,  
Тунларимнинг бўлгин моҳтоби.

Меҳр бериб, хорликни кўрдим,  
Бағир бериб, зорликни кўрдим,  
Худога иқдорликни кўрдим,  
Сени берди — борлиқни кўрдим,  
Яратганга ёрликни кўрдим.  
Йўлларимнинг чироғи бўлгин,  
Кўлларимнинг бўлгин байроғи.

Аёл бошим етган осмоним,  
Рўшнолигим, шамсли давроним,






Баландлигим,  
Буюк имконим,  
Султонлигим,  
Зафарим, шоним, -  
Бағрим, жигарбандим, жаҳоним,  
Кўзларимнинг зиёси бўлгин,  
Ҳисларимнинг бўлгин дунёси!

\* \* \*

Оппоқ осмонимни,  
Ёруғ тонгимни  
Қопласа баногоҳ ҳасрат қуюни,  
Кўзларингдай тоза кўнглимни ээса  
Ҳаёт ва мамотнинг фирром ўйини.  
Ўғлим, изларингни қучаман.  
Ойдин ҳузурингга учаман.  
Гоҳ хушвақт,  
Гоҳ бебахт юраман.  
Ёзуғда борини кўраман.  
Мен Сенга жонимни бераман.  
Босган изларингни ўпаман, болам,  
Сени деб дунёдан ўтаман, болам!






\* \* \*

Шу мушкин оқшомда  
Офтобруҳ сўзим.  
Ҳақ туйғуси мангу,  
Қолгани мавҳум.  
Сендай хуш оламини  
Мендай мунглиққа  
Берган фароғатлар берадир, ўғлим!  
Кўзларим тубида отаяпти тонг,  
Руҳим боғларидан бир нидо келур.  
Туғаб бораётир аросат ва жанг,  
Умримни совурган аянчлар сўлур.  
Умидимни қучгай келгуси матлаб,  
Юксак нурафшонлик ичра учурман.  
Мен адашган йўллар борадир нураб,  
Туманли ерлардан буткул кўчурман.  
Саодат нурига чўлғонган жаҳон  
Маъсум нигоҳларинг сўроғин ювсин.  
Менинг, гуноҳимдан кечмасанг, болам,  
Тонгда изларимни шамоллар қувсин.

❧





\*\*\*


Мени ҳеч ким соғинмайди Сиздай қақраб,  
Менга ҳеч ким илҳақ бўлмас Сиздай, Она!  
Йўллардаги майсалардан исмим сўраб,  
Кунботарга термулмайди яна, яна.

Толе тилаб тўкилмайди менга ҳеч ким,  
Фариштадек туриб субҳи содиқларда.  
Болалигим изи қолган қирга боқиб,  
Шаҳзодалар сўрамайди борлиқлардан.

Мушгипарим,  
Солиҳ фарзанд бўлолмадим бошқалардай  
Ва ўйладим: бу дунёнинг исми — севги.  
Юрагимга қуёш янглиғ исиндилар,  
Юрагимни иситмади Сизнинг каби.

Сўнгра ёниб кетди барча кулгуларим,  
Мунгли-мунгли қўшиқ айтдим ғусса ичиб.  
Тупроқ йўлда қолиб кетди орзуларим,  
Ёмон севдим, Сиздан кечиб, ўздан кечиб...

Сўнг —  
Бир меҳр истадим Сиздан-да буюк,  
Меҳрсиз йўлларда кетдим сочилиб.  
Кўзим ёшларига қўл ювди кимлар,  
Ҳеч ким йиғламади Сиздай қўшилиб.




Мени ҳеч ким соғинмайди Сиздай қақраб,  
Мени ҳеч ким соғинмайди Сиздай, Она!  
Қуёшга, тонгларга исмимни ўраб,  
Дуолар қилмайди яна ва яна...

\* \* \*

Ҳаётимда қаттиқ силкиниш,  
Юрагимда сўнгсиз ўртаниғ.  
Бу не мезон,  
Бу не тўкилиш.  
Бевақт видо,  
Бу не жудолиғ!  
Не тийралик бошимга ёғди,  
Онасизлик шамссизлик экан.  
Дийдор ғами тобора оғир,  
Кўзларимга санчилар тикан.  
Э воҳ, қанотларинг қайрилса,  
Бир мушфиғинг бўлмаса ёмон.  
Меҳрибоним, Онам ўтдилар...  
Энди бутун ҳаётим тамом.

❧





\* \* \*


Онасизлиқ — қадрсизлиқдир...  
На бир дўстим, на ғамхўрим бор?  
Бошим урар бир остона йўқ,  
Умрим бесар,  
Умидларим хор.  
Ёруғ куним кимга,  
Ким учун?  
Ким қувонар кун бўлсам агар!  
Ким шонимни сўрайди бу тун  
Дуо қилиб узун кечалар?  
Ким кечирар хатолар қилсам,  
Тавба десам, Худолик қилиб.  
Ким аяйди яраларимни  
Онамдайин фидолик қилиб!



\* \* \*

Кўнглимнинг хур истакларига  
Фақат Онам, бир Онам кўнди.  
Тош йўлларга термулиб интиқ,  
Ким интизор кутади энди...  
Қаро тунлар боламни қучиб,  
Соғинаман азиз Онамни.  
Ўғлим эса шодланиб, учиб,  
Севмоқ истар ёруғ оламни.  
Юрак, сендан ўтинчим — синма,  
Ҳеч ким артмас кўздан ёшимни.  
Беркитаман болам кўксига  
Бевақт эгик, сағир бошимни.  
Қора ҳасрат тубига чўкдим,  
Ажал, дастинг бунчалар мудҳиш...  
Тонглар олса елкамдан юкни,  
Бу андуҳлар бўлса эди туш...

9



78



Юрак  
Зарблари



\* \* \*


Эй, Сиз шамс нафасли,  
Саррин саболи,  
Музаффар ҳаволи, ойдин наволи,  
Бизга аталмаган қисмат малоли,  
Қайдасиз?  
Ойли кечаларнинг азизи, шоҳи,  
Умримнинг фарёди, қалбимнинг доғи,  
Юлдуз шуъласидай тиз чўкиб гоҳи...  
Қайдасиз?

\* \* \*

Чидаяпман сенсиз яшашга,  
Илинжларни этиб чилпарчин.  
Умидимни хотирга осдим,  
Улоқтирдим ҳиссиз ва сокин...

Мунгли-мунгли оқшомлар ҳақи,  
Яшаяпман жудаям маъсум.  
Фақат тунлар Сенсиз чинқирар:  
«Усиз яшаш қанчалар машъум!».

❧







\* \* \*

Сенсиз қандай куним ўтади,  
Сенсиз қандай отади тонгим?  
Гул жонимга андуҳ ботади?  
Сенсиз нима бўлади сўнгим?..

\* \* \*

Бунча хорсан,  
Бунча забунсан,  
Бунча зорсан,  
Бунча эзгинсан,  
Нигоронсан,  
Ҳануз нигунсан,  
Дилим, шунча туғёндан сўнг ҳам,  
Юксалмасанг бўлмайди энди...



\* \* \*


Ёруғ дийдорингга  
Тўймасман асло,  
Гарчи минг йил висол берса ҳам Тангри!  
Зотан ўртайверди гуноҳ занжири  
Шодмонликдан айри,  
Бахтлардан айри...  
Кўзларинг шамига босганимча лаб,  
Аччиқ соғинаман саҳродай қақраб.  
Исмингни тишимда тишлаб титрадим,  
Сен ишратгалабсан,  
Мен юракталаб!

\* \* \*

Мен севганим учун бахтлисиз,  
Соғинганим учун фалаксиз.  
Илоҳ тунларига ибодат  
Қилганим-чун яшил дарахтсиз!

Ва майсаранг хаёллар билан  
Ўйлаганим учун ҳаётсиз!  
Мен бўлмасам дунёда агар,  
Сиз шунчаки битта нажотсиз  
Битта мазлум аёлга, холос...

❧



82




\* \* \*

Сиздан қандай кетаман айри,  
Қай гузарда тушарман айро.  
Наҳот битди севгимиз сайри,  
Бизни қайга элтар бу дарё?!  
Қай соҳилда бизни кутар бахт,  
Қай қирғоқда бўларман байроқ?!  
Фироқ ҳиди анқиди бевақт,  
Дийдорингиз ўлимдай йироқ.  
Дийдорингиз ўлимдай яқин,  
Сизни қандай унутгум ахир?!

\* \* \*

Жондан ўтиб кетган оғриғим,  
Суягимга етган пичоқсан.  
Киrolмаган очиқ қабрим,  
Томиримда мангу титроқсан.  
Фалагимсан ойсиз, юлдузсиз,  
Керагимсан кеча-кундузсиз.  
Не бўлсанг ҳам, борлигинг — таскин  
Сенсиз умрим —  
Маънисиз, тузсиз...



\* \* \*

Сиз учун фақат мен яшнаб юраман,  
Фақат мен яшайман гамингизни еб.  
Фақат мен севаман ҳаммадан ортиқ,  
Фақат мен сўрайман «бағрим» қани деб?


Фақат мен қиламан барига тоқат,  
Кўнглингизни азиз тутарман ўзим.  
Фақат мен қоларман  
Сиз билан фақат!  
Қорлар ёғаверар, босилмас изим.

\* \* \*

Яшадим...  
Яшадим умидимнинг сўнгига қадар,  
Менинг кимлигимни англамас башар.  
Кетиб бораяпман кунчиқар томон,  
Зарра заррам узра ёғдулар тошар!  
Ўтиб бораяпман, билмайсан...

\* \* \*

Яна маъюс бўла бошладим,  
Яна ўйлай бошладим Сизни.  
Қароғларим қақраб борадир,  
Унутолмай узорингизни.  
Хаёлимнинг туб-тубларига  
Чўкиб бўлдим бутунлай, буткул.  
Хаётимнинг қутбларидан  
Изляяпман Сиз сари оқ йўл.




## МУНДАРИЖА

### ЭНГ ЁРУҒ ҚИСМАТИМ


«Мен ҳам йўлга чиқдим»... ..	4
Ўзимга мактуб .....	5
«Мен етган манзилдан...» .....	6
«Истардим...» .....	6
«Кимларнинг меҳридан...» .....	6
«Барбир юрогим интизор...» .....	6
«Нафратим, аламим ўзимга бўлди...» .....	7
«Чатнадим тугилган қуёшдай...» .....	7
«Энди юрагимда...» .....	7
«Мен ўзимдай ўзим бўлмадим...» .....	8
«Мен эртани кутяпман...» .....	9
«Ватан соғинчларда яшайди...» .....	10
«Қўлларимни очдим дуога...» .....	11
«Тоабад хомушман...» .....	12
Ватан .....	13
«Кўзларимни кўкдан узиб...» .....	14
«Менинг кўз очганим...» .....	15
«Энг ёруғ қисматим...» .....	16

### ОЛАМ СЕҲРИ

«Мен бир қушман...» .....	18
«Қанча севги бўлса мен севдим...» .....	19
«Кўнмадим...» .....	20
«Тиз чўкдим...» .....	21
«Қўлларим абадга чўзилган...» .....	22
«Севсанг...» .....	23
«Йўлга чиқдингизми...» .....	24
«Чопиб бораяпман ортингдан...» .....	25



«Маъсумликка чулғаб...» .....	26
«Тонг атри кўнглингни ювади...» .....	28
«Мен соғинган онда...» .....	29
«Эй сиз...» .....	30
«Сиз ҳам гоҳи соғинасизму...» .....	31
«Гулладими боғларингиз...» .....	32
«Бахтиёрсиз...» .....	33
«Кетаётган куннинг шиддатларида...» .....	34
«Менинг шод кунларим...» .....	35
«Узалсанг, етмасин қўлларинг...» .....	36
«Соғинмайман...» .....	37
«Ҳажрим ёқангни чок этсайди...» .....	39
«Кўзларинг, кўзларинг...» .....	41
«Азизим...» .....	42
«Сизсиз ҳам ҳаётим...» .....	43
«Қўлларимни ушламанг...» .....	44
«Бир куни қайтасиз...» .....	45
«Ўлмадингиз...» .....	46
«Кўнглимни оқизиб...» .....	47
«Бир пайтлар...» .....	48
«Дийдорингиз кундай ёруғ...» .....	49
«Беихтиёр кунлар ўтдилар...» .....	50
«Соғинасиз...» .....	51
«Ҳеч ким бўлмай қоларман...» .....	52
«Сендан-да телбароқ...» .....	53
«Тонгги ифорларга...» .....	54
«Вақтнинг...» .....	55
«Ҳар қандай ёлғоннинг...» .....	57
«Сенинг ҳузурингга келтирди...» .....	58
«Қисмат ютди...» .....	59
«Менинг пешонамга...» .....	60
«Эй, нур манзилида...» .....	61
«Тонгнинг ифори-ла...» .....	62
«Нафратимни бошимдан...» .....	62




## КЎНГЛИМ ПАРЧАЛАРИ

«Нима бор орада...» .....	64
«Тоғдай укаларим...» .....	65
«Уфққа оғиб борар...» .....	66
«Асов, ёвқир отлар...» .....	67
«Бағрим...» .....	68
«Кўкда ёнганида...» .....	69
«Мен ҳам одам бўлдим...» .....	70
Фаридиддинга .....	71
«Мен барчадан юдим кўзимни...» .....	72
«Оппоқ осмонимни...» .....	73
«Шу мушкин оқшомда...» .....	74
«Мени ҳеч ким соғинмайди...» .....	75
«Ҳаётимда қаттиқ силкиниш...» .....	76
«Онасизлиқ — қадирсизлиқдир...» .....	77
«Кўнглимнинг ҳур истакларига...» .....	78

## ЮРАК ЗАРБЛАРИ

«Эй, сиз шамс нафасли...» .....	80
«Чидаяпман сенсиз яшашга...» .....	80
«Сенсиз қандай куним ўтади...» .....	81
«Бунча хорсан...» .....	81
«Ёруғ дийдоринга...» .....	82
«Мен севганим учун...» .....	82
«Сиздан қандай кетаман...» .....	83
«Жондан ўтиб кетган...» .....	83
«Сиз учун фақат...» .....	84
«Яшадим...» .....	84
«Яна маъюс бўла бошладим...» .....	84



## ОЗОДА БЕКМУРОВОДА

### Юрак зарблари

(Шеърлар)

Муҳаррир *Муҳиддин Омон*  
Бадий муҳаррир *Шухрат Мирфаёзов*  
Мусахҳиҳ *Доно Тўйчиева*  
Компьютерда саҳифаловчи *Умида Валижонова*  
Муқовада *Жавлон Умарбеков*  
ишлаган суратдан фойдаланилди

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09.  
Босишга 16.04.12 й.да рухсат этилди.  
Бичими 70x90  $\frac{1}{32}$ . Таймс гарнитураси.  
Офсет босма. 3,22 шартли босма тобоқ.  
2,3 нашр тобоғи. Адади 1000 нусха.  
163 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа  
ижодий уйида чоп этилди.  
100128 Тошкент, Шайхонтоҳур кўчаси, 86.

**Бизнинг интернет манзилимиз: [www.iptdgulom.uz](http://www.iptdgulom.uz)  
E-mail: [iptdgulom@sarkor.uz](mailto:iptdgulom@sarkor.uz)**